

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**9-сон**  
**(93)**  
**2004 й.**  
**март**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

104. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 3 мартдаги ПФ-3404-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

105. «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарори

106. «Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарори

107. «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори

108. «Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

109. «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 21 февралдаги 246-В, 33-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 мартда 1319-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
110. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22, 03-02/8-14-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 3 мартда 1320-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
111. «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 мартда 1322-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
112. «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 февралдаги 376-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 мартда 565-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 28 февралдан 5 мартгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**104 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

«Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми-ни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 декабрдаги ПФ–3367-сон Фармониغا мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

«Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи Агентликни ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги ПФ–1207-сон Фармони 2-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ–1987-сон Фармони 4-бандининг бешинчи хатбошидаги «Бизнес-фонд» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ–2107-сон Фармони 13-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Бизнес-фонд» ва сўзлари чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 март,  
ПФ–3404-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **105** Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида мувофиқ ва электр энергетикада назорат тизимини янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида мувофиқ Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси)га айлантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмрдан фойдаланишни назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда ва кўмрдан фойдаланишда хавфсизлик таъминланишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмрдан фойдаланиш соҳасида зарур норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш.

3. Қуйидагилар:

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ташкилий тузилмаси, унинг ходимларнинг чекланган сони 42 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 12 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлими тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғига, зарурат бўлганда, бошқарувнинг марказий аппарати ва инспекциянинг ҳудудий бўлимлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар кiritишга рухсат берилсин.

4. Белгилансинки, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Қуйидагича тартиб сақлаб қолинсин, унга кўра «Ўздавэнергоназорат» инс-

пекцияси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар сметаси бўйича:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг мажбурий ажратмалари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида» 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун иқтисодий жазолар қўллашдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси «Ўздавэнергоназорат» инспекциясини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсин, ушбу маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.1.4-бандига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг моддий харажатларига киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
96-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси**




### Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси марказий аппаратининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони: 42 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 12 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг  
ҳудудий бўлими тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси  
(«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси» деб юритилади) электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмидан фойдаланиш соҳасида нормалар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

2. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси тизимиغا Қорақалпоғистон Республикасидаги, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги ҳудудий бўлимлар ва Тошкент шаҳар бўлими кирилади.

Ҳудудий бўлимлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ҳисобот беради.

3. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўз фаолиятини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимларининг моддий-техника таъминоти ҳамда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар ойда:

ҳар йили тасдиқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметаси бўйича «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг мажбурий ажратмалари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида» 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарориди белгиланган тартибга мувофиқ, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун иқтисодий жазолар қўлланилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **II. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмидан фойдаланиш устидан давлат нazorатини амалга ошириш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда ва кўмидан фойдаланишда хавфсизлик таъминланишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмидан фойдаланиш соҳасида зарур норматив ҳужжатлар ва қоидалар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш.

8. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) белгиланган тартибда қуйидагиларни текширади:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларга риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда энергия истеъмолчилари томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда уларни сарфлаш нормаларига риоя этилиши, электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва йўриқнома ҳужжатларга улар томонидан риоя этилиши;

истеъмолчиларнинг электр ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларининг техник ҳолати, электр станциялари, ёрдамчи станциялар ва тармоқларда техникдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши;

электр станциялари, тармоқлар ва ёрдамчи станциялар қураётган қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан белгиланган технология талабларининг улар томонидан таъминланиши юзасидан нормалар ва қоидалар талабларига риоя этилиши;

назорат остидаги энергия истеъмол қилувчи объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши ва уларни техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг энергия ва кўмидан оқилона ва самарали фойдаланиш талабларига мувофиқлиги;

назорат остидаги объектларнинг энергия истеъмол қилувчи қурилмаларида режим-созлаш ишлари бажарилишининг сифати;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан электр ва иссиқлик энергияси

истеъмоли ҳисоби юритилишининг ҳолати, шунингдек электр қурилмаларини энергия билан таъминловчи ташкилотлар тармоқларига улашнинг техник шартлари истеъмолчилар томонидан бажарилиши;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаб турган ва фойдаланишга топширилаётган, шунингдек реконструкция қилинаётган ҳамда замонавийлаштирилаётган кўп энергия талаб қиладиган қурилмалар ва асбоб-ускуналарнинг баланс энергетика синовлари ўтказилиши;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш балансларига риоя этилиши;

саноат корхоналарининг ва уларга тенглаштирилган электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларида реактив қувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши;

б) қуйидагиларда қатнашади:

электр энергетика тармоғини ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг концепциялари ва миллий дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек энергияни тежайдиган тадбирлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

лойиҳалар экспертизаси ва янгидан қурилган ва реконструкция қилинган объектларни электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланишга қабул қилиб олиш ишлари, шунингдек истеъмол объектларининг энергия таъминоти лойиҳаларини уларнинг ишончилиги, хавфсизлиги ва техник шартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда келишади;

электр энергиясини истеъмолчиларга беришда электр энергияси сарфи нормативларини ишлаб чиқиш;

назорат остидаги корхоналар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича давлат комиссиялари таркибиде қатнашиш;

илмий тадқиқотлар, шу жумладан тикланадиган энергия манбалари дастурларини тузиш ва келишиш ҳамда тегишли ўқув юртларида энергетика объектлари (қурилмалар, асбоб-ускуналар, тизимлар ва аппаратлар)ни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашда хавфсизлик масалалари бўйича мутахассислар тайёрлаш;

назорат остидаги объектлардаги бахтсиз ҳодисалар ва ҳалокатларни текшириш;

в) белгиланган тартибда:

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмирдан фойдаланиш соҳасида норматив ҳужжатлар ва қоидаларни давлат бошқаруви органларининг кўриб чиқиши учун киритади;

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилишга доир талаблар мавжуд бўлган республика стандартлари лойиҳаларини электр хавфсизлиги ва энергия самарадорлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади;

назорат остидаги объектлар ходимларини тайёрлаш ва ушбу объектларда ишларнинг беҳатар олиб борилиши ва меҳнат муҳофазаси таъминланиши масалалари бўйича уларнинг билимларини текшириш тартибини белгилайди;

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмирдан фойдаланиш юзасидан техник талабларни белгилайди;

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси органлари назорати остида бўлган объектларда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги бўйича хорижий технологияларни қўллаш мумкинлиги тўғрисида эксперт ҳулосаси беради;

ягона энергетика тизимига уланадиган турғун электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқаришни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини бажаради ҳамда лицензиялаш шартлари бажарилишини назорат қилади;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялайди.

9. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек унга қарашли ҳудудий бўлинмалар орқали белгиланган тартибда ҳал этади.

### **III. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

10. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) қуйидагилар устидан назоратни амалга ошириш:

юримдик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, энергетика соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда энергия истеъмолчилари томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда улар сарфи нормаларига риоя этилиши, улар томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва йўриқнома ҳужжатларга риоя этилиши;

истеъмолчиларнинг электр ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларининг техник ҳолати, электр станциялари, ёрдамчи станциялар ва тармоқларда техникдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоби юритилишининг ҳолати, шунингдек электр қурилмаларини энергия билан таъминловчи ташкилотлар тармоқларига улашнинг техник шартлари истеъмолчилар томонидан бажарилиши;

саноат корхоналарининг ва уларга тенглаштирилган электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларида реактив қувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши;

электр энергиясининг электр билан иситиш мақсадларида қўлланилиши;

б) белгиланган тартибда қуйидагиларни текширади:

электр станциялари, тармоқлар ва ёрдамчи станциялар қураётган қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан белгиланган технология талаблари улар томонидан таъминланиши юзасидан нормалар ва қоидалар талабларига риоя этилиши;

назорат остидаги энергия истеъмол қилувчи объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши ва уларни техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг энергия ва кўмирдан оқилона ва самарали фойдаланиш талабларига мувофиқлиги;

назорат остидаги объектларнинг энергия истеъмол қилувчи қурилмаларида режим-созлаш ишлари бажарилишининг сифати;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаб турган ва фойдаланишга топширилаётган, шунингдек реконструкция қилинаётган ва замонавийлаштирилаётган кўп энергия талаб қиладиган қурилмалар ва асбоб-ускуналарда баланс энергетика синовлари ўтказилиши;

объектларда мутахассислар ва ишчиларнинг хавфсизлик қоидалари ва нормаларини, технология иш тартибларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни билиши;

корхоналар раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари ва қоидаларини билиши;

в) зарурат бўлганда, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан асбоб-ускуналар ва материалларнинг назорат синовлари, лойиҳа ва лойиҳа-конструкторлик ечимларининг мустақил экспертизаси ўтказилишини тайинлаш ҳамда электр энергияси электр билан иситиш мақсадларида қўлланилганда электр таъминоти лойиҳаларини келишиш;

г) вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича зарур маълумотлар ва материалларни, шунингдек энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда жорий назорат жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

д) назорат остидаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига қонун ҳужжатлари, қоидалар ва нормаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

е) «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

ж) хавфсизлик қоидалари ва нормалари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни тўхтатиб қўйиш;

з) энергия қурилмаларидан фойдаланиш бўйича қоидалар, нормалар ва йўриқномалар бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун жазолар қўллаш;

и) техника хавфсизлиги, электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

к) фалокатларнинг ҳолатлари, сабаблари ва бахтсиз ҳодисаларни техник текширишда қатнашишда текшириш натижалари бўйича «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

л) Вазирлар Маҳкамасига лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун ягона энергетика тизимига уланадиган турғун электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тўхтатиб туриш, лицензияларни бекор қилиш ҳақида таклифлар киритиш, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича корхоналар ва объектларни текшириш.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг электр, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмидан фойдаланиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

11. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи мазкур Низомга мувофиқ:

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқиладиган электр энергетика ва кўмир саноати корхоналари фаолияти бўйича норматив ҳужжатлар сифати;

электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш, шунингдек кўмирдан фойдаланиш соҳасида корхоналар фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг тўлиқлиги талаблари бажарилиши;

электр энергетика ва кўмир саноати соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти масалалари бўйича «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан бериладиган маълумотларнинг ишончилиги учун жавоб берадилар.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари мансабдор шахсларининг маъмурий жазолаш чоралари қўлланилиши бўйича хатти-харакатлари устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилинади.

12. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятлари зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **IV. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси фаолиятини ташкил этиш**

13. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

Бошлиқ мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, бошлиқнинг ўринбосарлари — вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи лавозимига кўра бир вақтнинг ўзида Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори, унинг ўринбосарлари эса — Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ҳудудий бўлимларининг бош инспекторлари электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича катта давлат инспекторлари ҳисобланади.

14. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи:

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда тузилмага ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари харажатлари сметасини тасдиқлайди;

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг таркибий бўлимлари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлимларнинг бош инспекторларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг давлат назорати функциясини амалга оширувчи мансабдор шахсларига белгиланган намунадаги гувоҳномалар берилади.

16. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ходимларининг тегишли тоифаларига тенглаштирилади.

17. Худудий бўлимлар ўз фаолиятини «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси худудий бўлимларининг бош инспекторлари белгиланган тартибда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи томонидан тайинланадилар.

18. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил февралдаги 96-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 94-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 12-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 25 апрелдаги 141-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 4-сон, 21-модда) илованинг 3-банди.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодас турларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда) 6-илованинг 5-бандидаги «Ўздавэнергоназорат» агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин, «бошлиқ ўринбосари» сўзлари «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 66-модда) 2-бандидаги ҳамда ушбу қарорга 2-илованинг 12-бандидаги «агентлиги» сўзи «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатидаги «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги» сўзлари «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза

қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2002 йил 5 июлдаги 243-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 38-модда) 2-бандидаги «агентлиги билан» сўзлари «давлат инспекцияси билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 16 июндаги 271-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 46-модда):

а) 1-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «давлат агентлиги» сўзлари «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «давлат агентлиги» сўзлари «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) ушбу қарорга 1 ва 2-иловалардаги «Ўздавэнергоназорат» агентлигига кўрсатмалар «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 5 августдаги 341-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 69-модда) 2-банднинг биринчи хатбоши ҳамда 6-банднинг биринчи хатбошидаги «агентлиги» сўзи «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда):

а) 6-иловада:

12-банддаги «агентлигига», «агентлиги», «агентлигининг» сўзлари тегишли равишда «инспекциясига», «инспекцияси», «инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

низомга иловадаги «агентлигига», «агентликларининг», «агентликлари» сўзлари тегишли равишда «инспекциясига», «инспекцияларининг», «инспекциялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-иловадаги «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг бош директори» сўзлари «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «агентлиги» сўзи «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 2-иловадаги «агентлигининг бош директори» сўзлари «инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «давлат агентлиги» сўзлари «давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловадаги «Ўздавэнергоназорат» агентлигига кўрсатмалар «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **106 Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг диний таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг диний таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда:

Комиссия тўғрисидаги низомни;

Диний таълим муассасаси паспорти шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
99-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом диний таълим муассасалари (диний ўқув юртлари)нинг фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхта-тиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг диний таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

3. Комиссиянинг ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Вазир-

---

\* 2-илова берилмайди.

лар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) амалга оширади.

4. Фақат юридик шахслар лицензия талабгори бўлишлари мумкин.

5. Диний таълим соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Диний таълим соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар диний таълим соҳасида фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган талабларга жавоб берувчи мулккий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан унга тегишли бўлган бинолар (хоналар) мавжуд бўлиши;

диний фанларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқитилиши;

вояга етмаган шахсларни уларнинг иродасига, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлар)нинг хоҳишига хилоф равишда ўқитишга, таълим жараёнида уруш, зўравонлик, прозелитизм ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти тарғиб қилинишига, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувлик бузилишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

диний таълим муассасаларида диний фанларнинг диний маълумотга ҳамда диний ташкилотларни бошқариш тегишли марказий органининг руҳсатномасига эга бўлган шахслар томонидан ўқитилиши;

битирувчилари диний фанларни ўқитишга қўйилиши мумкин бўлган диний таълим муассасалари, шу жумладан хорижий диний таълим муассасалари рўйхатини ишчи орган билан келишиш;

диний фанларни ўқитаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган муддатларда даврий аттестациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида белгиланган давлат таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ дунёвий фанларни ўқитиш;

ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур моддий маблағлар (ёки уларнинг аниқ манбалари) мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага, унинг талабига кўра, лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотлар бериш;

ўқув жараёнида чет элда нашр этилган, белгиланган тартибда экспертизадан ўтган диний адабиётдан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказилганда лицензияни назорат органларига кўрсатиш.

8. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан келиб чиқувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

### **III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:  
юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланадиган фаолият тури кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

диний ташкилотларни бошқариш марказий органининг илтимосномаси;

комиссия томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича диний таълим муассасаси паспорти;

лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бинолар (хоналар)га мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни, шунингдек кўрсатиб ўтилган бинолар (хоналар)нинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисида ёнғиндан сақлаш ва санитария-эпидемиология органларининг хулосалари;

ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурлари;

ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган моддий маблағлар (ёки уларнинг аниқ манбаи)нинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

битирувчилари диний фанларни ўқитишга қўйилиши мумкин бўлган диний таълим муассасалари, шу жумладан хорижий диний таълим муассасалари рўйхати;

диний фанларни ўқитувчи шахсларнинг диний маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг ва мазкур фаолиятни амалга оширишга диний ташкилотларни бошқариш марказий органи рухсатномалари нусхаси;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

12. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13. Лицензия талабгори аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензиатнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун

йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ҳамда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи органнинг таклифи олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган тегишли қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкаси намунаси ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масъулият ишчи орган раҳбарига юкланади.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори ишчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин етти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи органнинг таклифи олингандан кейин уч кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш ҳақидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисида комиссияга таклиф киритиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асоси ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

дубликат бериш асоси ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирмалар сифатида ахборот олишлари мумкин.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


### **IX. Давлат божи тўлаш тартиби**

35. Диний таълим муассасаларига лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи республика бюджети даромадига ўтказилади.

Диний таълим муассасаларининг фаолияти-  
ни лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш  
схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 107 Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
100-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти унинг томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

3. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

\* 2-илова берилмайди.

4. Лицензия нодавлат таълим муассасаларига таълимнинг ҳар бир тури учун алоҳида берилади.

5. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

таълим дастурларини умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ, шунингдек мактабгача, мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга доир давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш;

таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши, таълим жараёнида урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камситилишига, мамлакатдаги хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асосларига, фуқаролар осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

лицензия талабгорида лицензияланаётган фаолиятни бажариш учун мўлжалланган, унга мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ бинолар (хоналар)нинг мавжудлиги;

нодавлат таълим муассасаларида фанларни тегишли базавий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан ўқитиш;

педагог ходимлар малакасини белгиланган муддатларда (3—5 йилда) ошириб бориш;

ўқув ва тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этиш;

аудиторияларни, ўқув хоналарини ва кутубхоналарни зарур ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар, ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари ва ўқитишнинг замонавий воситалари билан жиҳозлаш.

7. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 6-бандида қайд этилганлардан келиб чиқадиган аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

## III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланаётган тури;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

фаолиятнинг лицензияланаётган тури амалга ошириладиган биноларга (хоналарга) мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг мавжудлигини, шунингдек мазкур

бинолар (хоналар)нинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари;

ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурлари;

ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган моддий воситаларнинг (ёки уларнинг аниқ манбаи) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

10. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензиатнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

12. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага асосан амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга тасдиқлаш учун комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи органнинг таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилган қарор протоколини комиссия раиси (унинг ўринбосари) имзолайди. Зарур ҳолларда комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

13. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилди.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

14. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан имзоланади.

15. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

16. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин тўрт кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга тасдиқлаш учун комиссияга таклиф тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин олти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

20. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

21. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

25. Лицензия шартлари ва талабларига лицензиат томонидан риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур ахборотни лицензиатдан сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

29. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Комиссия қарори суд томонидан асоссиз деб эътироф этилган тақдирда комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

#### **VIII. Лицензиялар реестри**

30. Ишчи орган таълим турлари бўйича лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

солиқ тўловчининг идентификация тартиб рақами;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асоси ва санаси;

лицензияларни бекор қилиш асоси ва санаси;

дубликат бериш асоси ва санаси.

31. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахс-

ларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ишчи органда ҳақ тўлаган ҳолда муайян лицензиатлар тўғрисидаги маълумотларни лицензиялар реестридан кўчирма тарзида олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бепул берилади.


### **IX. Давлат божини тўлаш тартиби**

32. Нодавлат таълим муассасаларига фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи республика бюджети даромадига ўтказилади.

Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **108** Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси)нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги таъминланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикаси темир йўлларидан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ва темир йўл транспорти объектларини, маҳсулотларини ва технологияларини уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга қабул қилиш ишларида қатнашиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг ходимларнинг чекланган умумий сони 48 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 35 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг минтақавий филиали тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг таъминоти:

юридик шахслар томонидан темир йўлларда юк ва йўловчилар ташишдан олинган 0,15 фоиз миқдордаги мажбурий тўловлар;

---

\* 3-илова берилмайди.

темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун ундириладиган давлат божининг бир қисми;

темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси жойлашган Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 7-уйдаги бино унинг тасарруфида сақлаб қолинсин.

5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 109-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига 9-илова II бўлимининг 4-банди;


Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига илованинг 12-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.


**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 март,  
101-сон

**Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси)нинг  
тузилмаси**



**Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси («Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси) марказий аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 48 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 35 киши, хизмат кўрсатувчи ходимлар — 5 киши, техник ходимлар — 8 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 2 мартдаги 101-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар  
ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси  
(«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси) тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси деб юритилади) давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади, у поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш ҳамда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид белгиланган қоидалар ва нормаларга тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан риюя этилишини, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва транспорт қурилиши корхоналарида қозонхоналар ва кўтариш иншоотларидан хавф-хатарсиз фойдаланилишини назорат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг темир йўл маъмурияти функцияларини амалга оширади.

2. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тизимига ҳудудий филиаллар — Тошкент, Фарғона, Бухоро, Оролбўйи ва Қашқадарё филиаллари ҳамда Атроф муҳит муҳофазаси бўйича темир йўл илмий-ишлаб чиқариш маркази киради.

4. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

5. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг ўз ваколатларига тегишли масалалар бўйича қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, темир йўл транспорти хизматлари кўрсатувчи ёки улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг вазифалари  
ва функциялари**

7. Қуйидагилар «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги таъминланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

темир йўл транспорти соҳасидаги фаолият лицензияланишини ташкил этиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси темир йўлларидан техник фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ва темир йўл транспорти объектларини, маҳсулотларини ва технологияларини, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан, доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга қабул қилиш ишларида қатнашиш;

вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи ходимларининг техник фойдаланиш қоидаларини ва йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текшириш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш масаларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик қилиш.

8. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазибаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техник фойдаланиш қоидаларига, поездлар ҳаракати ва маневр ишлари йўриқномасига, сигнализация ва алоқа йўриқномасига, шунингдек, темир йўл транспорти техника воситаларининг авариясиз ишлашини тартибга солувчи бошқа йўриқномалар ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини олиб бориш;

темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминловчи техник воситаларнинг ишончлилигини оширишга қаратилган олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқиши ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

темир йўл транспорти соҳасида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва объектларни, маҳсулотларни ва технологияларни, уларнинг темир йўл транспорти соҳасидаги белгиланган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан, фойдаланишга қабул қилиш ишларини амалга ошириш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг лавозимга янгидан тайинланаётган ходимларининг, шунингдек вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи ходимларининг техник фойдаланиш қоидаларини ва йўриқномаларни билишини белгиланган тартибда комиссия тузиб, вақти-вақти билан текшириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда юз берган фавқулодда ходисалар (авария,

ҳалокат)га оид хизмат текширувлари ўтказилишида иштирок этиш ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатлари ва хорижий мамлакатлар ҳудудида йўловчи ташиш поездлари билан бўлган темир йўл ходисаларига оид хизмат текширувини ўтказишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўтказилаётган поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари бузилишининг хизмат текширувлари тўғрилигини назорат қилиш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари бузилиши ҳисобини юритиш ҳамда таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолларини ҳамда уларнинг сабабларини таснифлаш ва улар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартиби бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

темир йўл транспорти объектларини тайёрловчи, қурувчи ва улардан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг поездлар хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлаш юзасидан ишларини техник текширишни ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш;

темир йўл транспортида хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий контингентларни транзит ташишда хулосалар бериш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда транспорт қурилиши корхоналарида қозонхона объектлари ва кўтариш иншоотларини сақлаш ва улардан хавф-хатарсиз фойдаланиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар, норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш.

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига қарашли ҳудудий филиаллар орқали ҳал қилади.

### **III. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

9. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

темир йўл транспорти соҳасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ қоидалар, йўриқномалар, низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг корхоналари объектларини белгиланган тартибда текшириш;

ҳаракатланадиган таркибни ва темир йўл транспорти соҳасидаги бошқа техник воситаларни яратиш (қуриш), синаб кўриш, серияли ишлаб чиқариш, фойдаланишга қабул қилишда қатнашиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлардан ҳужжатларни, тадбирлар режаларини талаб қилиб олиш, шунингдек темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги қоидалари бузилиши ҳолларини текшириш масалалари бўйича ҳисоботларни эшитиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қоидалар, йўриқномалар, буйруқлар ва кўрсатмаларни бузаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш;

темир йўл транспорти техника воситаларидан фойдаланишни ва ишларни амалга оширишни тўхтатиб туриш, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигига хавф солувчи носозликлар туфайли перегонларда, станцияларда ва кириш йўлларида поездлар ҳаракатини тўхтатиш ёки ҳаракат тезлигини чеклаш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

локомотивлар, мотор вагонли ҳаракатдаги состав, вагонлар, йўллар ва ўтказиш стрелкалари, сигнализация ва алоқа қурилмалари, боғланиш тармоқлари сифатсиз таъмирланган ҳолларда уларни тузатишдан чиқаришни тақиқлаш;

локомотивлар, вагонлар, йўллар, сигнализация ва алоқа ҳамда электр таъминоти тизимлари ва темир йўл транспортининг бошқа техника воситаларининг белгиланган тартиб бузилган ҳолда ўтказилган комиссия текширувлари натижаларини бекор қилиш;

поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари ва стандартлар бузилиши ҳоллари бўйича материалларни белгиланган тартибда тегишли органларга бериш;

тегишли вазирликлар, идоралар, шунингдек ташкилотлар ва корхоналарга (айни пайтда ушбу ташкилотлар ва корхоналар тизимига кирувчи вазирликлар ва идораларни хабардор қилган ҳолда) ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишлардаги аниқланган бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳақида кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этиш муддатини белгилаган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

тегишли вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар билан келишган ҳолда уларнинг вакиллари, шунингдек уларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг малакали мутахассисларини фавқулодда ҳодисаларга оид хизмат текширувини ўтказишда иштирок этиш, фавқулодда ҳодисаларга оид хизмат текширувини ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича экспертизалар ўтказиш ва техникавий маслаҳалашиш учун жалб қилиш;

темир йўл транспорти воситаларининг техник ҳолати тўғрисида эксперт хулосалар бериш;

поездлар ҳаракати, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ва белгиланган тартибда текширувлар ўтказиш билан боғлиқ транспорт, алоқа воситалари, хизмат хоналаридан, хизмат вагонининг тўсиқсиз юришидан, шунингдек бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сафар қилишда локомотивлар ва поездлар бригадалари таркибига «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ходимларини белгиланган тартибда текширувчилар сифатида киритиш.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун жавоб беради.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ва унинг ҳудудий филиаллари мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**IV. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси фаолиятини ташкил этиш**

11. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғи мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

12. Ўзбекистон Республикаси «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғи:

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда унга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари ва инспекциянинг ҳудудий филиаллари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ходимларнинг белгиланган сони доирасида «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штатлар жадвалини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инспекциянинг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

марказий аппарат таркибий бўлинмалари ва Инспекциянинг ҳудудий филиаллари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

13. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари бевосита «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғига бўйсунди.

14. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ходимларига белгиланган намунадаги кийим-бош кийиб юришга рухсат берилган.

15. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва имтиёзлар тизими жорий этилади.

16. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясини тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**109** Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
2 мартда 1319-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида **қарор қиламиз:**

1. Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 февраль,  
246-В-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 февраль,  
33-сон

Марказий банки Бошқаруви ва  
Молия вазирлигининг  
2004 йил 21 февралдаги  
246-В, 33-сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий  
акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни  
химоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа  
муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тижорат банклари (кейинги матнда — банклар) томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб Жамғармаси (кейинги матнда — Жамғарма) томонидан тижорат банкларида очилган кредит линияси ҳисобидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли револьверли кредитлар (кейинги матнда — кредитлар) ажратиш тартибини белгилайди.

2. Тижорат банклари томонидан кредитлар «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадли фойдаланиш шартларида Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари харид қилишни молиялаштириш мақсадларига бир йилгача бўлган муддатга берилади.

3. Кредитлар минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини сотиб олиш учун кредит линияси маблағлари доирасида ажратилади.

4. Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига очиладиган кредит линиялари лимитлари Молия вазирлиги ва «Ўзкимё-саноат» компанияси томонидан белгиланади ва тижорат банкларига етказиб берилади.

Бунда, лимит ҳажми жорий йилда Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиннадиган пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун ҳудудларга етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари қийматига мутаносиб равишда ўрнатилади. Зарур ҳолларда ушбу лимитлар қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5. Кредитлар «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акционерлик жамиятларига ўрнатиладиган лимит доирасида револьверли асосида ажратилади.

Қарздорлардан қайтариб олинган ушбу маблағлар кредит линияси маблағлари тўлови сифатида қайтарилмайди ва навбатдаги минерал ўғит ва ўсимликларни химоя

қилишнинг кимёвий воситаларини харид қилиш учун қайта кредит сифатида йўналтирилади.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари молиявий маблағлар оқимидан келиб чиққан ҳолда, олинган кредитни сўндириб боришлари ва ўз эҳтиёжларига кўра белгиланган лимит доирасида минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини сотиб олиш учун қайта кредит олишлари мумкин.

6. Тижорат банклари ушбу кредит линиялари ҳисобидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига мазкур кредитларни йиллик 2 фоизли имтиёзли ставкада берадилар ва бу тижорат банклари даромадини ташкил этади.

7. Кредит «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига унинг асосий талаб қилиб олулгунча депозит ҳисобварағи очган ва унга хизмат кўрсатётган банк филиали томонидан берилади.

8. Жамғарма кредит линияси маблағларини Бош банклар билан тузилган Бош келишувига асосан уларнинг 21610—Ҳукуматдан олинган қисқа муддатли ссудалар ҳисобварағига ўтказиб беради.

## **II. Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядолик жамиятларига кредит бериш тартиби**

9. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари уларнинг асосий талаб қилиб олулгунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка очилган кредит линия ҳисобидан минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини сотиб олиш учун кредит беришни сўраб мурожаат қилади.

Аризага «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг туман ва туманлараро филиаллари томонидан, уларга берилган ваколат доирасида, туманлардаги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларга асосан маҳсулот етказиб беришнинг белгиланган меъёрлари ва ҳақиқатда етказиб берилган маҳсулот ҳамда уларнинг мавжуд захираларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган кредит миқдори ҳисоб-китоби ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва «Ўзкимёсаноат» корпорацияси корхоналари ўртасида тузилган минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар нусхаси илова қилинади.

10. Банк аризани қабул қилиб олганидан кейин берилиши сўралган кредит миқдорини Молия вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» корпорацияси томонидан ўрнатилган кредит линияси лимитидан оширилмаган миқдор доирасида белгилайди ва банк кредит қўмитасига қарор қабул қилиш учун тақдим этилади.

Банк кредит қўмитаси кредит аризасини бир кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқади ва мазкур қарз олулгунча кредит линияси ҳисобидан йил давомида кредит берилиши тўғрисида ўзининг якуний ҳулосасини қабул қилади. Кредит қўмитаси кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилганидан кейин, қарор қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда кредит шартномаси имзоланади.

Агар банк кредит қўмитаси қарз олулгунча кредит аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, банк бу ҳақда кредит сўровчига асосланган ҳолда ёзма жавоб беради.

11. Банк билан қарз олулгунча ўртасида кредит шартномаси имзолангандан кейин банк қарз олулгунча ссуда ҳисобварағи очади ва қарз олулгунча тўлов топшириқномалари асосида тўловларни амалга оширади.

### III. Кредитни бериш, мониторингни амалга ошириш ва кредитни қайтариш тартиби

12. Қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида ссуда ҳисобварағидан тўловлар етказиб берилган минерал ўғит учун (ёки олдиндан тўлов) «Ўзкимёсаноат» ДАК тизимининг тегишли корхонасининг махсус 23222-ҳисобварағига ўтказилади.

13. «Ўзкимёсаноат» компанияси корхоналарининг 23222-сонли ҳисобварақларига келиб тушган маблағлар «Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда, уларга минерал ўғитлар ва кимё маҳсулотларини етказиб бериш учун қишлоқ хўжалиги ташкилотларини кимёсаноат ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари механизми тўғрисида низом»да (2001 йил 16 июль, рўйхат рақами 1049 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

14. Банклар ссуда ҳисобварағи орқали амалга оширилган тўловларнинг ўз вақтида ва белгиланган мақсадга ўтказилиши учун масъулдирлар.

15. Кредит линияси маблағларини мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини назорат қилиш Молия вазирлигининг Назорат тафтиш Бош бошқармаси ва тижорат банклари томонидан бевосита «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналарида берилган кредитларни мақсадли ишлатилишини мониторингни амалга ошириш орқали олиб борилади.

Бунда кредитлар белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорларда олинганлиги ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги ҳоллари аниқланганда, банклар кредитлашни тўхтатиши, кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўришлари лозим.

16. Ушбу кредитлар «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг 23222, 23220 ва 23210—ҳисобварағига келиб тушган маблағлар (шу жумладан «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом» (2004 йил 6 январь рўйхат рақами 1295) асосида фермерларга берилган кредитлар ҳисобидан биринчи навбатда муддатли мажбуриятнома асосида мемориал ордер билан ундириб олинади. Бунда ҳисобланган фоизлар кредитлардан олдин ундирилади.

Тижорат банклари ўз навбатида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига берилган кредитларни белгиланган муддатларда қайтарилишини қишлоқ хўжалик корхоналарининг минерал ўғит ва кимёвий воситалар бўйича қарзларини уларга аванс ва ҳисоб-китоблар жараёнида тушаётган маблағлар ҳисобидан ундиришга кўмаклашиш орқали таъминлайди.

17. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг 23222, 23220 ва 23210—ҳисобварағи орқали ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ундириб олинади.

18. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин асосий депозит ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағлар ҳисобидан қайтаришлари мумкин.

19. Ушбу Низом «Ўзкимёсаноат» Давлат акционерлик компанияси билан келишилган.

**«Ўзкимёсаноат» ДАК раиси в.б. А. ВОЗНЕНКО**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**110** Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намуна-  
даги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғри-  
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
3 мартда 1320-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 13 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 февралдаги 54-сонли «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг янги намуналарини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталари **қарор қилдилар:**

1. Илова\* қилинаётган «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 февраль,  
31-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 февраль,  
2004-22-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари С. НАСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 февраль,  
03-02/8-14-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**111** **Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
5 мартда 1322-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 15 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низом»га мувофиқ **буюраман:**

1. Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 30 декабрь,  
2003-19-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**112** Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 мартда 565-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 15 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» тўғрисидаги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари (1998 йил 17 декабрь, рўйхат рақами 565)нинг 22-банди иккинчи хатбошисидан кейин қўйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюджет ҳисобидаги муассасаларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби юритиладиган талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари очилган тақдирда, ушбу муассасалар кассасига бюджетдан ташқари фаолият бўйича тушган барча нақд пул тушумлари ва бюджетдан ташқари фаолият учун берилган нақд пуллар алоҳида касса дафтарида ҳисобга олинади».

2. Мазкур қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 10 кундан сўнг амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 февраль,  
376-5-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 28 февралдан 5 мартгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 21 февралдаги 246-В, 33-сон қарори.*

**2004 йил 2 мартда 1319-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 мартдан кучга киради).**

2. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22, 03-02/8-14-сон қарори.*

**2004 йил 3 мартда 1320-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 13 мартдан кучга киради).**

3. «Тижорат банклари томонидан алоҳида йирик миқдордаги пул маблағларининг айланмаси бўйича Давлат солиқ қўмитасига электрон ахборот узатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 2003-83 ва 243-В «ДСП»-сон қарори.*

**2004 йил 3 мартда 1321-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 13 мартдан кучга киради).**

4. «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сон буйруғи.*

**2004 йил 5 мартда 1322-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 15 мартдан кучга киради).**

5. «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 февралдаги 376-5-сон қарори.*

**2004 йил 5 мартда 565-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 15 мартдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки ўртасида алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлар айланмаси бўйича электрон ахборот алмашинуви қоидалари ва 1-сонли ўзгартириш. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (10.09.2002 й., рўйхат рақами 1172, 10.07.2003 й.).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 3 мартдаги 48-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Электр қурилмаларни ўрнатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буйруғи.

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

**У белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

*Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши-нинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди.*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 21 октябрдаги ТД/04-01-09/1002, 2003-73-сонли тушунтириши.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**

*Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 1 декабрдаги 15/1-9344-сон хати.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**